



ЎГИЛЛАР ВА НАБИРАЛАРГА УЛУФА БЕРИШ ТАРТИБЛАРИ

Амр килдимки, тўнгич ўғлим Мухаммад Жахонгир валиахдим бўлсин. У вилоят хокими бўлиб, ўн икки минг отлик аскарга улуфа олсин. Иккинчи ўғлим — Умар Шайх ўн минг отлик аскарга улуфа ва бир вилоят олсин. Учинчи ўғлим — Мироншоҳ тўққиз минг отлик аскарга улуфа олиб, бир вилоятни тасарруф килсин. Тўртинчи ўғлим — Шохрух етти минг отлик аскарга улуфа олиб, бир вилоятга эга бўлсин. Набиралар эса хар кайсиси истеъдодига яраша уч мингдан етти минг отликкача улуфа олиб, бир вилоятга эгалик килсин. Ва яна менга кавм-кариндошлиги бор кишиларга, ўз холига караб ва қобилиятига яраша биринчи даражали амир мартабасидан тортиб то еттинчи даражали амир мартабасигача бўлган амирлик ва валийлик [мансаблари] берилсин. Уларнинг хар бири ўз мартабасига яраша иш тутиб, хаддидан ошмасин. Бунга хилоф равйшда иш тутганлар, жавобгарликка тортилсинлар.

ЎГИЛЛАР, НАБИРАЛАР, КАВМ-КАРИНДОШЛАР, АМИРЛАР ВА ВАЗИРЛАРНИ
ЖАЗОЛАШ ЙЎЛИ БИЛАН САЛТАНАТДА ИНТИЗОМ САКЛАШ ХАКИДА

Амр килдимки, агар ўгилларимдан кайси бирови салтанат мартабасига даъвогарлик килиб бош кўтарар экан, уни уриб-сўкиб, ўлдиришга ёки мучасидан бирон жойини камайтиришга ҳеч ким журъат килмасин, лекин уни кўз тагида сакласинларки, токи ўз даъвосидан кайтсин ва тангри таолонинг мулкида фасод чикмасин. Агарда набиралар ёки кавм-кариндошлар душманлик килишса, уларни. [маошларидан махрум қилиб] дарвиш ҳолатига солсинлар.

Салтанатим кўргонлари бўлмиш амирлар агар иш устида нифокка борсалар, улардан амирлик мартабаси ва ерлари тортиб олинсин. Агар давлатга зиён етқизгудек иш қилган бўлсалар, улар бошқа амирларга тобеъ этилсинлар. Агар сипохийлик ишларида ялқовлик қилган бўлсалар [ишларидан бўшатилиб], ёзиш-чизиш билан шугулланувчилар орасидан иш берилсин. Агар шундан кейин ҳам хатоликка йўл қўйсалар, иккинчи бор хизматга олмасинлар. Салтанат саройининг ишончли вазирлар кишилари бўлмиш вазирлар хусусида шундай буйруқ бердим. Агар булар ўз фаолияти даврида салтанатни йикитиш касдида давлатга хиёнат қилган бўлсалар ҳам, уларни ўлдиришда шошилмасинлар, балки аввал хабар берувчиларнинг ўзлари қимлиги, даъволарининг рост-ёлгонлигини маҳак тошига уриб текшириб кўрсинлар. Чунки кўп ҳолларда ҳасадчилар ва гийбатчилар, ё кўролмай, ёки тамагирлик билан ёлгон тўкиб, чиндай қилиб ясаб чиқарадилар ва [палид] мақсадларига етишадилар. Давлат ичида талай олочок, ёмон одамлар бордирки, давлат душманларини яхшилаб, унинг жон фидоларини турли макр-хийлалар билан ҳароб қиладилар. Буларнинг мақсадлари салтанат кўргонига раҳна солишдир. Чунончи, амир Хусайн менинг вазирларимдан бирини алдаб, давлатимнинг таянчи, икки кўли бўлмиш амир Ики Темур ва амир Жоқуни менга қарши қўймоқчи бўлиб гап чиқарди. Мен унинг хиёнатини фаросатим-ла сезиб қолдим, шунинг учун улар хусусида айтилган ҳамма гапларни эшитмаганга олдим.

Чунончи шундай воқеа юз берганди. Яқинларимдан баъзилари ёлғиз қолганимизда ва одамлар олдида улуг ва эътиборли амирларимдан бўлган амир Аббосга ҳасад ва душманлик қилиб, унинг ҳақида бўлмагур гапларни айтдилар. Ёлгон сўзлари шамоли билан газабим ўтини алангалатдилар. Натижада гапларини текшириб кўрмасдан газаб устида амир Аббосни ўлимга буюрдим. Охир-оқибатда уларнинг амир Аббос ҳақида хиёнат қилганликларини англадим ва қилган ишимдан ўқиниб, жуда пушаймон бўлдим. Мамлакат хазиначилари бўлмиш молия вазирлари, молия ишларида хиёнат қилиб, [бойликнинг бир қисмини] ўзлаштириб олган бўлсалар, [текшириб кўрилсин]. Агар ўзлаштириб олган маблағи, ўзига тегишли улўфа микдорига тенг бўлса, мазкур маблағ унга совға-инъом ўрнида берилсин. Агар ўзлаштириб олган маблағи маошидан икки баробар ортиқ бўлса, ортиғи оладиган маоши ҳисобидан ушлаб қолинсин. Агар маошидан уч баробар кўп маблағ олган бўлса, ҳаммаси [салтанат хазинасига] тортиқ сифатида олинсин.

Яна ҳукм қилдимки, вазирларни ортиқча сийламасинлар, чунки алоҳида. иззат-икром кўрсатиб, ўзларини [уларнинг назарида] обрў-эътиборсиз қилиб қўядилар. Бу эса салтанатга зиён етқизиши мумкин гаразгўй, бузуки ва ҳасадгўй одамларнинг вазирлар ҳақидаги уйдирмаларини эшитмасинлар, чунки бу табақадаги кишиларнинг душмани кўп бўлади, негаки, олам аҳлининг барчаси дунёталабдирлар. Агар вазирлар бундай одамларнинг қўнғлига қарасалар, давлатга хиёнат қилган бўлурлар, қарамасалар, улар вазирларга душманлик қилурлар.

Чигатойхоннинг бир вазири бўлган экан. Гаразгўйлар уни хазинадан бир неча минг олтин ўғирлади, деб [хонга хат] ёзган эдилар. Хатни хонга кўрсатганларида, у мазкур

вазирни хузурига чакиртириб, унга итоб килиб дебди: «Сен назари паст одам экансан. Мендек подшоҳнинг вазири бўла туриб, мамлакатимдан шунчалик оз нарсга олибсан!» Доно вазир [хоннинг] бу қадар катта эҳсонидан мамнун бўлибди ва бор давлатининг барчасини келтириб хонга пешкаш килибди. [Бу билан] хон олдида ўз мартабасини ва обрў-эътиборини сақлаб қолибди.

[Яна ҳукм килдимки], қайси бир сипоҳий ҳаддидан ошиб, қўл остидаги кишига зулм ўтказар экан, уни тутиб, мазлум қўлига топширсинлар, токи додига ўшалар етказсинлар. Агар қадҳудолар ва калонтарлар кичикрок даражадаги одамга зулм қилган бўлсалар, қилган зулмига яраша, ҳар кимнинг қўтаришича жарима солсинлар. Агар доругалар ва ҳокимлар халққа жабр-зулм қилиб, уларни ҳароб қилган бўлсалар, қилган ишларига лойиқ жазо берилсин. Агар бирор кимсанинг гуноҳи исботлангандан сўнг ундан жарима олсалар, бошқа яна дарра билан урмасинлар. Агар дарра уриш билан жазоласалар, ундан жарима олмасинлар.

Ўғрилар хусусида буюрдимки, улар қаерда бўлмасин, ким тутиб олса Ёсоқ бўйича жазолансин. Кимки бировнинг молини зўрлик билан тортиб олган бўлса, мазлумнинг молини золимдан қайтариб олиб, эгасига топширсинлар. Агар кимда-ким тиш синдирса, кўзни кўр қилса, кулок ва бурун кесса, шароб ичса, зино ишлар қилса, девондаги шариат қозиси ёки аҳдос қозисига олиб бориб топширсинлар. Шариатга оид ишларни ҳал этишда ислом қозиси ҳукм чиқарсин. Урф-одат ишларини эса аҳдос қозиси тафтиш қилиб, сўнг менинг арзимга етказсин.